2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 214 (1275), 2024 йил 23 октябрь, чоршанба

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz

## МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ, ИНВЕСТИЦИЯ ВА ЭКСПОРТНИ КЎПАЙТИРИШ МУҲИМ

**Президент Шавкат Мирзиёев 22 октябрь куни маҳаллийлаштириш, давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.**

Иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи бу йўналишларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги етти йилда мамлакатимизга 78 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар келган. Давлат-хусусий шериклик бўйича қонун қабул қилиниб, мингдан зиёд лойиҳалар бошланган. 1 минг 800 турдаги янги маҳсулотни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Шу билан бирга, ҳали салоҳият катта. Йиғилишда мазкур йўналишларнинг ҳар бири таҳлил қилиниб, қўшимча имкониятлар кўрсатиб ўтилди.

Бугунги кунда барча тармоқларда 140 миллиард долларлик 366 та йирик лойиҳа амалга ошириляпти. Инвестиция лойиҳалари доирасида йилига 15 миллиард долларлик ускуна, хомашё ва қурилиш материаллари олиб келиняпти. Шуларнинг ҳар бирида маҳаллий улушни кўпайтириш мумкинлиги таъкидланди.

Юртимиздаги йирик тармоқларда ҳам шундай имкониятлар бор. Масалан, энергетика тармоғини 2030 йилгача ривожлантириш дастурига мувофиқ, 36 миллиард долларлик 164 та қувват яратилади. Шундан 88 таси давлат-хусусий шериклик асосида барпо этилади.

Тоғ-кон саноати бўйича ҳам 1 миллиард 230 миллион долларлик дастур қабул қилинган. Соҳадаги йирик комбинатларга маҳаллий корхоналар ўзаро манфаатли боғланган.

Автосаноатда ҳам ушбу йўналишда ишга солинмаган имкониятлар кўп. Биргина қўшни давлатларда автомобиль эҳтиёт қисмларига йиллик талаб 1 миллиард долларни ташкил қилади.

Маҳаллийлаштириш жараёнида нарх бўйича ҳам, сифат бўйича ҳам рақобатдош маҳсулот чиқариб, экспортни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Ушбу йўналишлар бўйича аниқ лойиҳалар шакллантириб, имкониятларни натижага айлантириш зарурлиги таъкидланди. Саноат тармоқлари билан ҳудудлар ўртасида кооперацияни ривожлантириш, давлат харидларида маҳаллий маҳсулот ва хизматлар улушини ошириш бўйича таклифлар билдирилди.

Яқинда давлат-хусусий шериклик тамойили асосида 30 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари тасдиқланди. Бунда ҳар бир соҳанинг имкониятлари очиб берилган. Жумладан, транспорт бўйича 10 миллиард доллар, ижтимоий соҳаларда 6 миллиард доллар, коммунал тармоқда 5 миллиард долларлик режалар кўзда тутилган.

Бу лойиҳаларга инвесторларни жалб қилиш, маблағларни самарали йўналтириш вазифалари қайд этилди.

Йиғилишда хорижий инвестициялар оқими ва келгуси режалар ҳам кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида 23 миллиард 660 миллион доллар хорижий сармоя кириб келган. Шунингдек, 4 миллиард 600 миллион долларлик 120 та йирик қувват ишга тушган.

Йил якунигача бу суръат давом этади. Шу тариқа 2017-2024 йилларда жалб этилган хорижий инвестицияларнинг умумий қиймати 100 миллиард доллардан ошиши кутилмоқда.

Йиғилишда мутасаддилар белгиланган вазифаларни бажариш режалари юзасидан ахборот берди.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БРИКС МАМЛАКАТЛАРИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 23-24 октябрь кунлари БРИКС бирлашмаси давлатларининг саммитида иштирок этиш учун амалий ташриф билан Қозон шаҳрида бўлади.**

Давлатимиз раҳбари Россия томони раислигида ўтказиладиган “БРИКС плюс” форматидаги ялпи сессияда нутқ сўзлайди.

Учрашув кун тартибидан инклюзив ва барқарор тараққиётни таъминлаш мақсадида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш масалалари ўрин олган. Шунингдек, глобал сиёсатнинг долзарб жиҳатлари муҳокама қилинади.

Бундан ташқари, ташриф дастурида қатор икки томонлама учрашувлар ўтказилиши кўзда тутилган.

БРИКС бирлашмаси 2006 йилда ташкил этилган. Ҳозирда Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Жанубий Африка Республикаси, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон, Миср ва Эфиопия унинг аъзоларидир.

**ЎзА**

## ЎЗБЕКИСТОН — БРИКС: БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ, ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САВДО-ЛОГИСТИКА ЗАНЖИРЛАРИНИ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАМКОРЛИК

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 23-24 октябрь кунлари Россия раислигида Қозон шаҳрида бўлиб ўтадиган БРИКС саммити доирасидаги тадбирларда иштирок этади.**




Ушбу тузилма 2006 йил июнь ойида Санкт-Петербург иқтисодий форуми доирасида Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва Хитой иқтисодиёт вазирлари иштирокида ташкил этилган. Ташкилотни тузиш Россия томони ташаббуси билан бошланган.

Россия, Бразилия, Хитой ташқи ишлар вазирлари ва Ҳиндистон мудофаа вазири иштирокидаги ўша пайтдаги БРИКнинг биринчи йиғилиши 2006 йил 20 сентябрда Нью-Йорк шаҳрида БМТ Бош Ассамблеясининг 61-сессияси доирасида бўлиб ўтган эди.

2010 йил 12 ноябрда Сеулда бўлиб ўтган G20 саммитида Жанубий Африка Республикаси БРИКга қўшилиш истагини билдирди. Жанубий Африканинг қўшилиши билан тузилма номи БРИКС сифатида қайта ташкил этилди.

Давоми 2-бетда

## ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИК ЎЗЛИК МАҚОМИ

### бизни ягона халқ сифатида бирлаштириб келади

**Ўзгараётган бугунги дунёда миллий ўзликни сақлаб қолиш ҳаракати тобора ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда. Бу йўлда таҳликалар кўп, илдизи тарихдан қувватланиб турувчи англамлар қадри муҳим. Миллий ўзликнинг устунларидан бири — ҳар бир миллатнинг она тили экани ҳам аён ҳақиқат. Шу боис, миллатлар, миллий давлатчилигига эга мамлакатлар ўз тилини асраб-авайлаш, бойитиш, муомалада кенг қўллашга интилади. Ўзбек тили ҳам ана шу каҳкашон ичиндадир.**




### БАЙРАМНИНГ ЎЗГАЧА ДАСТУРИ

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг 35 йиллиги байрамини кенг нишонладик. Ушбу кун муносабати билан давлатимиз раҳбари халқимизга байрам табригини йўллади.

Президентимиз табригида ўзбек тилининг мавқеини ошириш борасида бажарилган ишлар ҳақли равишда эътироф этилди. Она тилимизнинг беқиёс имкониятларини юзага чиқариш, унинг жаҳон миқёсида нуфузи ва жозибадорлигини ошириш йўлида олдимизда турган вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Табрикда, жумладан, **“Рақамли маконда давлат тилини кенг жорий этишга мўлжалланган ишларни янги босқичга кўтариш, ўзбек тилини ахборот технологиялари соҳасидаги йирик дастурлар тили қаторига киритиш чораларини кўриш ҳам долзарб вазифамиз бўлиб қолади”,** дейилди.

Давоми 6-бетда

## МЕНИНГ ТАНЛОВИМ — ОБОД ВАТАНИМ!

27 ОКТЯБРЬ — ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ КУНИ

SAYLOV 2024 27-OKTABR MENING TANLOVIM — OBOD VATANIM!

Мазкур мақолалар Ўзбекистон Экологик партияси ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясига сайловолди ташвиқоти учун ажратилган бепул нашр майдони доирасида эълон қилинмоқда.

3-бетга қаранг.

## ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ — ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ




**Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий воқеа — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар куни тобора яқинлашмоқда. Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш йўлидаги кенг кўламли ислоҳот ва янгиланишлар, жумладан, Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқи иродасини рўёбга чиқаришнинг асосий воситаси ва демократик шакли ҳисобланган сайловлар ўтказилишида 2023 йил 30 апрелдаги референдумда якдиллик билан қабул қилинган янги таҳрирдаги Конституциямиз мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайди.**

Асосий қонун халқимизнинг янги Ўзбекистонни барпо этиш борасидаги орзу-умид ва интилишларини ўзида мужассам этган. Халқчил давлат қуриш стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари, миллий давлатчилик ривожининг ҳозирги муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қамраб олган.

Бош қонунимизда мустаҳкамланган асосий конституциявий янгиликлар мазмун-моҳиятида, биринчи навбатда, конституциявий ривожланишимизнинг бош йўналишлари — инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатни намоён қилиш, инсонпарвар демократик давлат, очиқ ва адолатли жамият барпо этиш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечириши, Ўзбекистоннинг фаровон ва гуллабяшнашини таъминлаш каби олий қадриятлар сингдирилган норма ва принциплар уйғунлиги акс этган.

Давоми 2-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН САВДО АЙЛАНМАСИ ЯҚИН ЙИЛЛАРДА 10 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТКАЗИЛАДИ

**Самарқандда Ўзбекистон — Қозоғистон тўртинчи ҳудудлараро форуми ўтказилди.**

Форум ишида икки давлат ҳукумати аъзолари, ҳудудлар раҳбарлари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ҳамда Қозоғистон Республикаси Бош вазири О.Бектенов давлатларимиз раҳбарларининг самимий муносабатлари ва оқилона ташқи сиёсатлари туфайли кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига асосланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари жадал ривожланиб, барча соҳаларда ижобий ўсиш кузатилаётганини қайд этди.

Сўнгги 7 йил ичида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ўзаро савдо айланмаси деярли 2,5 баробар ўсиб, ўтган йили 4,4 миллиард долларни ташкил қилди. Бугунги кунда мамлакатимизда Қозоғистон капитали иштирокида 1100 га яқин, Қозоғистонда эса Ўзбекистон капитали иштирокида 3600 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

Мавжуд захиралардан самарали фойдаланган ҳолда яқин йилларда ўзаро савдо ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш имконияти бор.

Давоми 2-бетда

**Давлатимиз раҳбарининг бўлажак БРИКС саммитидаги иштироки халқаро алоқаларни янада кенгайтириш ва Ўзбекистонни жаҳон иқтисодий алоқаларига интеграциялашувига, мамлакатимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка йўналтирилган ишончли шерик сифатидаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЎЗБЕКИСТОН — БРИКС: БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ, ЯНГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА САВДО-ЛОГИСТИКА ЗАНЖИРЛАРИНИ ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАМКОРЛИК

Бошланиши 1-бетда

2023 йил августда бўлиб ўтган саммитда Эрон, Саудия Арабистони, Миср, Аргентина, Эфиопия ва БАА БРИКСга тўлақонли аъзо сифатида қўшилиш учун таклиф қилинган эди. 2024 йил январда ушбу давлатлардан тўрттаси — Миср, Эрон, БАА ва Эфиопия ташкилотга расман қўшилди.

Ташкилотга аъзо давлатлар нуфузли халқаро тузилмалар — БМТ, G20, G77 гуруҳи, Жаҳон савдо ташкилоти, Қўшилмаслик ҳаракати, шунингдек, қатор йирик минтақавий бирлашмаларнинг нуфузли иштирокчилари ҳисобланади.

БРИКС ҳамкорлари ўртасидаги муносабатлар БМТ Низоми, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари, шунингдек, тенглик, очиқлик, прагматизм, бирдамлик, қўшилмаслик ва учинчи томонларга бетарафлик тамойиллари асосида қурилган.

Бирлашма механизми, таъкидланганидек, тинчлик, хавфсизлик, тараққиёт ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

**БРИКС мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар форматлари тизими олий даражадаги йиллик режалаштирилган учрашувларни ўз ичига олади. БРИКСга раислик тақвими йил давомида иштирокчи давлатлар томонидан ротация асосида амалга оширилади. Барча қарорлар консенсус асосида қабул қилинади.**

БРИКСнинг асосий мақсади иштирокчи давлатларнинг иқтисодий ва технологик салоҳиятини сезиларли даражада мустаҳкамлаш йўлида самарали алоқалар учун шароит яратишдир.

БРИКС доирасида Ишбилармонлар кенгаши ва БРИКС Тараққиёт банки фаолият юритади. Иқтисодий йўлда тузилма мамлакатлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик 2025 йилгача бўлган Иқтисодий шериклик стратегиясига асосланади. У аъзо мамлакатларнинг икки томонлама иқтисодий алоқаларини уларнинг кўп томонлама форматдаги ўзаро таъсири билан тўлдиришни, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, бирлашма ва форумларда, биринчи навбатда, Жаҳон савдо ташкилотида мувофиқлаштиришни таъминлашни назарда тутади.

БРИКС мамлакатлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар форматлари тизими олий даражадаги йиллик режалаштирилган учрашувларни ўз ичига олади. БРИКСга раислик тақвими йил давомида иштирокчи давлатлар томонидан ротация асосида амалга оширилади. Барча қарорлар консенсус асосида қабул қилинади.

Ўзбекистон учун БРИКС инклюзив ҳамкорлик ва барқарор ривожланиш кун тартибини илгари суриш йўлида изланаётган платформа ҳисобланади.

2015 йил 9 июль куни Ўзбекистон Россия томони раислигида Уфа шаҳрида бўлиб ўтган ШҲТ ва БРИКСга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этди. Йиғилишда ташкилотга аъзо 9 давлат раҳбарлари қатнашган.

Ўзбекистон Президенти 2022 йил 24 июнь куни "БРИКС плюс" форматидаги Глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда иштирок этди. Хитой томони раислигида ўтган ушбу онлайн форумда дунёнинг 18 мамлакатидан давлат ва ҳукумат раҳбарлари қатнашди.

Россиянинг БРИКСга жорий раислиги доирасида Ўзбекистон Ёшлар саммити, БРИКС спорт ўйинлари, IX юридик форуми, X парламент форуми, турдош шаҳарлар ва муниципалитетлар форуми, шунингдек, БРИКС ва "БРИКС плюс" мамлакатларида хавфсизлик масалаларини назорат қилувчи юқори даражали учрашувларда иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил 24 июнь куни бўлиб ўтган "БРИКС плюс" форматидаги Глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда сўзлаган нутқида "Жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган инқирозли ҳолатларни енгиб ўтиш мақсадида савдодаги тўсиқларни бартараф этиш, янги ишлаб чиқариш ва савдо-логистика занжирларини яратиш, саноат кооперацияси бўйича лойиҳаларга инвестициялар жалб этиш ва инфратузилмани модернизация қилиш, технологиялар трансфери ва инновацияларни жорий этиш, сунъий интеллект, рақамлаштириш, биотехнологиялар, вакциналар ишлаб чиқариш соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эга", дея таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Қўшма лойиҳа ва ташаббусларни илгари суриш мақсадида "БРИКС плюс" ишбилармон доиралари форумини йўлга қўйишни таклиф қилди.

"Биз Барқарор ривожланиш мақсадларига биргаликда эришиш учун кенг кўламли халқаро шерикликка, шу жумладан, "Жануб — Жануб" форматидаги ҳамкорликка очиқмиз ва бу йўлга содиқмиз", деди Ўзбекистон етакчиси.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, давлатимиз раҳбарининг бўлажак БРИКС саммитидаги иштироки халқаро алоқаларни янада кенгайтириш ва Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий алоқаларига интеграциялашувига, мамлакатимизнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликка йўналтирилган ишончли шерик сифатидаги нуфузини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**"Дунё" АА**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН САВДО АЙЛАНМАСИ ЯҚИН ЙИЛЛАРДА 10 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА ЕТКАЗИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил август ойида Қозоғистонга амалга оширган давлат ташрифи доирасида умумий қиймати 7 миллиард долларлик шартнома ва битимлар имзолангани мамнуният билан қайд этилиб, бу ҳужжатларнинг ижросини таъминлашда ҳукуматлар ва минтақалар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориши зарурлиги таъкидланди.

Томонлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги узоқ муддатли шерикликни кенгайтиришда ҳудудлараро алоқалар ҳақиқий ҳаракатлантирувчи куч бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Манғистау вилояти билан, Тошкент вилояти Туркистон вилояти билан, Навоий вилояти Қизилўрда вилояти билан тўғридан тўғри ва яқин алоқалар ўрнатган.

Чегарадош бўлмаган ҳудудлар ҳам ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаб, савдо-сотиқ ва саноат кооперация алоқаларини изчил ривожлантириб келмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳри тадбиркорлари Чимкент шаҳрида маиший техника ва инфузион препаратлар ишлаб чиқаришни бошлади. Самарқанддаги "Azia Metall" компанияси эса Тараз шаҳрида пўлат маҳсулотини ишлаб чиқариш заводини қурмоқда. Остонадаги "BI Group" холдинг компанияси Тошкент шаҳрида йирик қурилиш лойиҳаларини амалга ошираётган бўлса, "PTC Holding" компанияси Тошкент вилоятида йирик логистика марказини барпо этмоқда.

Ҳукумат раҳбарлари икки мамлакат минтақалари ва тадбиркорлари ўртасида тўғридан тўғри алоқаларни ривожлантиришга қулай шароит яратиш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирдилар.

Давлатларимиз ўртасида маданий-гуманитар соҳадаги алоқалар ҳам йилдан йилга кенгайиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Бу борада доимий равишда Ўзбекистон ва Қозоғистонда маданият кунлари, кино, театр, илмий ва ижодий жамоалар, зиёлилар форумлари, ўқув кўргазмалари, музей экспонатлари экспозициялари ўтказилмоқда. Жорий йилнинг ўзида Остона шаҳрида Ўзбекистон кино ва санъати кунлари ўтказилди. Хива шаҳрида бўлиб ўтган "Лазги" иккинчи халқаро рақс фестивалида Қозоғистоннинг "Казына" рақс ансамбли биринчи ўринга сазовор бўлди. Остона шаҳрида бўлиб ўтган бешинчи "Жаҳон кўчманчилар ўйинлари"да Ўзбекистон жамоаси муваффақиятли қатнашиб, тўртинчи ўринни эгаллади.

Томонлар туризм соҳаси давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидан бири эканлигини қайд этиб, сайёҳлик хизматларини кўрсатиш ва инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Бош вазирлар Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг барча вилоятлари ҳамда шаҳарлари ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантиришга ҳар томонлама ёрдам беришга тайёрлигини тасдиқлади.

Форумда ҳудудлараро алоқаларни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш юзасидан муҳим таклиф ва ташаббуслар билдирилди. Давлат раҳбарлари иштирокида ўтказилган олий даражадаги учрашувларда эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди. Бир қатор вазирликлар ва минтақалар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш, биргаликда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ҳужжатлар имзоланди.

Ҳудудлараро форум доирасида Ўзбекистон Республикаси инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов ҳамда Қозоғистон Республикаси савдо ва интеграция вазири Арман Шаккалиев бошчилигида минтақалар раҳбарлари ва 200 дан ортиқ тадбиркорлар, йирик компаниялар вакиллари иштирокида Ўзбекистон ва Қозоғистон ишбилармонлари учрашуви ўтказилди.

Учрашувда икки мамлакат ўртасидаги шериклик алоқаларини минтақалараро даражада ҳам ривожлантириш муҳимлиги қайд этилди. Бунда қишлоқ хўжалиги ва агросаноат тармоғи, тўқимачилик маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш, тажриба ва технологиялар алмашинуви истиқболли йўналишлар сифатида белгиланган. Сирдарё вилоятида ўзаро ҳамкорликда "Марказий Осиё" саноат кооперацияси халқаро маркази фаолияти йўлга қўйилаётгани тадбиркорларга бу борада катта имкониятлар очиши алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, тўртинчи форум олдидан ўзбек ва қозоқ тадбиркорларининг икки мамлакат ҳамкор ҳудудларида бўлиб, ўзаро тажриба алмашгани натижалари юқори баҳоланди.

Учрашувда икки давлат ҳудудлари ўртасида тўғридан тўғри ҳамкорликни мустаҳкамлаш, қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва тайёр маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш юзасидан музокаралар олиб борилди ва 30 дан ортиқ шартнома имзоланди. Бундан ташқари, икки давлат тадбиркорлари ўзаро ҳамкорлик бўйича келишувларга эришди.

— Корхонамиз томонидан қозоғистонлик ҳамкорларимизга полипропилен қоплар етказиб берамиз, бу борада яқин алоқаларни йўлга қўйганмиз, — дейди Фарғона вилоятидаги "Универсал савдо саховати" МЧЖ раҳбари Акмалхон Абдужалилов. — Бугунги учрашувда полимер маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича 1 миллион долларлик меморандум имзоладик. Бу лойиҳа, биринчи навбатда, экологик нуқтаи назардан жуда фойдали, яъни полимер маҳсулотларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтиришга хизмат қилади. Иккинчидан, хомашёнинг кўплиги ва қайта ишлаш натижасида юқори иқтисодий самарадорликка эришилади.

**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири**




# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ КОНСТИТУЦИЯ — ДЕМОКРАТИК САЙЛОВЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

**Акмал РАҲМОНОВ,**
**Конституциявий суд судьяси, юридик фанлар номзоди**



Бошланиши 1-бетда

Шунингдек, кўпмиллатли халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуриш учун қабул қилган қатъий ва ишончли қарори ўз ифодасини топган. Масалан, демократиянинг бош талаби бўлган халқ ҳокимиятчилиги принципи Конституциямизнинг 7-моддасида "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган органлар томонидангина амалга оширилади", деб белгилаб қўйилган.

**ДЕМОКРАТИЯНИНГ БОШ ТАЛАБИ БЎЛГАН ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИ ПРИНЦИПИ КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 7-МОДДАСИДА "ХАЛҚ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИНИНГ БИРДАН-БИР МАНБАИДИР. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҲАМДА УНИНГ АСОСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚОНУНЛАР ВАКОЛАТ БЕРГАН ОРГАНЛАР ТОМОНИДАНГИНА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ", ДЕБ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН.**

Ушбу муҳим конституциявий принцип Конституциямизнинг 36-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда шакллантириш, шунингдек, давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати воситасида амалга оширилади" деган норма билан ривожлантирилиб, ушбу ҳуқуқдан фойдаланиш шакллари белгиланган.

Мазкур конституциявий нормадаги "давлат органларини демократик тарзда шакллантириш", "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи"га оид қоидалар эса давлат ҳокимияти органларини сайловлар орқали шакллантириш, сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини англатади.

Конституциямизга "Сайлов тизими" деб номланган алоҳида боб киритилгани мазкур муҳим конституциявий принцип ва нормаларнинг сайлов билан боғлиқ жиҳатларини халқаро ҳуқуқ андазалари асосида амалга оширишнинг мамлакатимизга хос бўлган моделини шакллантирган.

Ўзбекистон миллий сайлов тизими ҳамда сайловларнинг демократик ташкил этилиши ва ўтказилиши билан боғлиқ конституциявий асослар қуйидаги жиҳатларда намоён бўлади.

Биринчидан, Асосий қонуннинг 128-моддасида Ўзбекистон фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга экани, ҳар бир сайловчи бир овозга эгалиги, овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши белгилангани энг илғор халқаро стандартларга мос келади.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмаслиги, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлик учун суднинг ҳукмига кўра, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этиш ҳуқуқидан фақат қонунга мувофиқ ҳамда суднинг қарори асосида маҳрум этилиши мумкинлиги, бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслигига оид конституциявий нормаларнинг аҳамияти ҳам сайлов тизимининг кафолатланишини таъминлайди.

Иккинчидан, сайловлар умумий, тенг ва тўғридан тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилишига, Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалигига оид муҳим конституциявий қоидалар мустаҳкамлангани юртимиздаги барча даражали сайловлар, биринчи навбатда, ушбу конституциявий негизларга бевосита таянган ҳолда ташкил этилишини билдиради. Конституциямизнинг 15-моддасида қайд этилганидек, "Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади".

Учинчидан, сайлов тегишинча сайланадиган органларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Конституцияда назарда тутилган муддатидан илгари сайлов



ўтказиш ҳоллари бундан мустасно деган норма давлат органлари сайловлар орқали вақти-вақти билан янгиланиб турилишини қатъий белгилаб беради.

Бундан ташқари, 2023 йил 18 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига сайлов ва референдум ўтказиш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги конституциявий қонун мамлакатимиз миллий сайлов тизимидаги изчил ислоҳотларнинг мантиқий давоми учун ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлади. Янги қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини аралаш сайлов тизими — мажоритар ва пропорционал асосда ўтказиш белгилаб қўйилди.

Тўртинчидан, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 129-моддаси яна бир муҳим талабни конституциявий даражада мустаҳкамлаган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларига сайловларни, шунингдек, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилишининг ўзи ҳам улкан аҳамиятга эга.

Зеро, Марказий сайлов комиссиясининг сайлов комиссиялари тизимига бошчилик қилиши, фаолиятини доимий асосда амалга ошириши ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига

**САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИ ВА АМАЛИЁТИ МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА ЎТГАН ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АНДАЗАЛАРИ ВА ТАЛАБЛАРИГА, ИЛҒОР ЧЕТ ЭЛ ЮРИДИК ТАЖРИБАСИГА ВА МИЛЛИЙ-ТАРИХИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗГА ҲАМДА КОНСТИТУЦИЯМИЗГА МОС САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДЕМОКРАТИК ТИЗИМИ ЯРАТИЛГАНИНИНГ ЯҚҚОЛ НАМУНАСИДИР.**

амал қилиши мамлакатимизда сайловларнинг қонуний ҳамда барча демократик талабга мос бўлишининг қўшимча конституциявий кафолатидир.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Конституция, Сайлов кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган сайлов ҳуқуқлари давлат муҳофазасида эканини англатади.

Сайлов қонунчилиги ва амалиёти мамлакатимиздаги демократик ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми сифатида ўтган йилларда Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ андазалари ва талабларига, илғор чет эл юридик тажрибасига ва миллий-тарихий анъаналаримизга ҳамда Конституциямизга мос сайлов қонунчилигининг замонавий демократик тизими яратилганининг яққол намунасидир.

Мамлакатимиздаги ҳар бир сайлов жамиятимиз учун ўзига хос синов бўлади. Бундай синовлар ҳеч кимдан кам эмаслигимизни, юртимизда демократик давлат барпо этиш жараёни ортга қайтмаслиги, келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш йўлида олий мақсад сари салмоқли қадамлар қўяётганимизни яна бир бор намоён этади. Бунинг учун янги таҳрирдаги Конституция — янги Ўзбекистонда "Инсон қадри учун" тамойили асосида халқ фаровонлигини янада ошириш, давлат ва фуқаролик жамияти жадал ривожланиши йўлида ўтказиладиган демократик сайловларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилади.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

2024 йил 23 октябрь, 214-сон

# БИЗНИНГ НОМЗОДЛАРИМИЗ МАМЛАКАТИМИЗ БАРЧА ҲУДУДЛАРИДА БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШНИ МАҚСАД ҚИЛГАН

**Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ерларни ва ичимлик сув манбаларини асраш, мавжуд экологик муаммоларга ечим топиш умуммиллий аҳамиятга молик масалаларга сирасига киради. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастурида юртимиздаги ҳар бир ҳудуд ҳамда ҳар бир фуқаро учун зарур ва аҳамиятли бўлган муҳим масалалар ўрин олган.**
**Мамлакатимиз бўйлаб ўтказилаётган сайловолди тадбирларида Экопартия томонидан илгари сурилаётган бир қатор ташаббус ва таклифлар сайловчилар томонидан катта қизиқиш билан қарши олинмоқда.**

Сайловолди учрашувлари савол-жавобларга бой тарзда, сайловчиларнинг фаоллигида ўтаётгани аҳолининг Ўзбекистон Экологик партияси Сайловолди дастури ва партиядан кўрсатилган номзодларга бефарқ эмаслигидан дарак беради.

**Қорақалпоғистон Республикаси**да “Табиат учун бирлашайлик!” шиори остида Элликқалъа туманида ўтказилган сайловолди учрашувида сўзга чиққан партия фаоллари Сайловолди дастуридаги **Оролбўйи минтақасининг** экологик ҳолатини яхшилаш, **аҳолига қулай яшаш шароитини яратиш, Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш**га қаратилган таклиф ва ташаббусларни атрофлича тушунтирди.

Мамлакатнинг **иқлим “юки” мониторинги**ни ва **иқлим ҳисобини юритиш** механизмларини жорий этиш, иқлим ўзгаришларига чидамли янги ўсимлик навларини ва чорва зотларини яратишни рағбатлантириш, тадқиқотлар кўламини кенгайтириш, иқлим ўзгариши билан боғлиқ **экотизимдаги йўқотиш ва зарарларнинг ўрнини қоплаш учун махсус жамғарма** ташкил этиш каби ташаббуслар алоҳида қайд этилди.

**Айбек АМИНОВ,**
*2-Қорақалпоғистон Республикаси сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:*

— Оролбўйи ҳудудида халқаро молия институтларининг биохилма-хилликни сақлаш, иқлим ўзгаришини юмшатиш, чўлланишнинг олдини олишга қаратилган **лойиҳа ва дастурларни кенг жалб этиш** орқали ушбу ҳудуддаги ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва кўпайтириш партиямиз учун устувор вазифа ҳисобланади. Оролбўйи минтақасида жойлашган **Қизилқум чўли ҳудудида саҳрога мос ўсимликлар экиш** орқали қум бўронлари кўтарилишининг олдини олиш ва яйловлар деградациясини тўхтатишимиз мумкин.

Сайловчилар томонидан ижобий баҳоланаётган — **экологик таълим ва тарбия жараёнини самарали ташкил этиш** таклифи шуниси билан аҳамиятлики, биз ёш авлодга таълим-тарбия бериш орқали табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳитни ҳимоя қилишга эриша оламиз.



**Андижон вилояти.** Сайловчилар Ўзбекистон Экологик партиясидан Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгаш депутатлигига номзодлар билан ўтказилган учрашувда партиянинг Сайловолди дастурида ҳамда кўрсатилган номзодлар дастурининг **келгуси беш йилликдаги устувор вазифалари** кенг муҳокама қилинди. Ўзбекистон Экологик партиясининг Сайловолди дастурида республикада **чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини** ҳамда **чиқиндиларни қайта ишлаш, экологик хавфсиз тарзда утилизация қилишни такомиллаштириш**, кўрсатиладиган **хизматлар сифатини ошириш**, соҳага тадбиркорлик субъектларини фаол жалб этиш имкониятларини янада кенгайтиришга доир ташаббуслари ҳам ўрин олганлигига алоҳида эътибор қаратилди.

**Наврўзбек ЮСУПОВ,**
*9-Андижон вилояти сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:*

— Сайловолди дастуримизда саноатда энергиятежамкор технологияларни жорий этиш орқали **энергия сарфини 50 фоизга қисқартириш**, 2030 йилгача энергия балансида экологик тоза ва қайта тикланадиган энергия манбалари улушини **икки карра ошириш** каби ғояларимиз андижонлик юртдошларимизнинг катта қизиқиш ва эътиборини қозонмоқда. Чунки вилоят аҳоли зич жойлашган ҳудуд бўлганлиги учун бу масалалар жуда муҳим аҳамиятга эга.

Учрашув давомида сайловчилар томонидан атроф-муҳитнинг маиший чиқиндилар билан ифлосланишига чек қўйиш юзасидан таклифлар билдирилди. Қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш, иккиламчи ресурс сифатида фойдаланиш борасида ҳали муайян муаммолар ҳам мавжуд, бугун қаттиқ маиший чиқиндиларнинг бор-йўғи **4-5 фоизи** қайта ишланмоқда.

Сайловолди дастуримизда чиқиндини хонадонларнинг ўзида саралаб олиб чиқишни рағбатлантириш орқали аҳоли пунктларида **қайта ишланадиган чиқиндиларни автоматлаштирилган тартибда қабул қилиб оладиган** қурилмаларни ўрнатиш, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш ва улардан биогаз, биокўмир ишлаб чиқариш, полиэтилен, полиамид таркибли қадоқлаш маҳсулотлари, **бир марталик** ишлатиладиган пластик идишлардан фойдаланишдан босқичма-босқич воз кечиш, барча савдо масканларида пластик, бир марталик қоплар ҳамда шишаларни **қабул қилиш пунктларини яратиш** бўйича аниқ таклифлар борлиги сайловчиларга манзур бўлди.

**Самарқанд вилояти.** Қадимий ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида партия Сайловолди дастуридаги вазифаларни кенг оммага етказиш ва тарғиб қилиш юзасидан **сайловолди оммавий тадбири** ўтказилди. Мазкур тадбирларда партиядан Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга кўрсатилган номзодлар, шунингдек, олий ўқув юртлари ўқитувчи ва талабалари, экология соҳасидаги ташкилотлар вакиллари, экофаоллар, волонтёрлар ҳамда маҳаллий аҳолидан иборат сайловчилар иштирок этди.

Оммавий тадбирда партия раиси Абдушукур Ҳамзаев иштирокчиларни партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган ғоялари билан таништириб, барчани жорий йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтадиган сайловларда фаол иштирок этишга чақирди. Партиянинг Сайловолди дастурида илгари сурилган мамлакатимизда **“яшил” ва рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш,** бунинг учун **инвестиция фондини** ташкил этиш, “яшил” инновацияларни татбиқ қилишда **хусусий инвесторларни қўллаб-қувватлаш**, **давлат-хусусий шерикликни ва халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш** ҳамда йирик саноат корхоналарида “яшил” технологияларнинг жорий қилинишини жадаллаштириш, **саноатнинг “яшил” ва кам углеродли ривожланишини** таъминлаш каби қатор муҳим ташаббуслар сайловчиларга атрофлича тушунтирилди.

Тадбирда сўзга чиққан Экопартия фаоллари яқинлашиб келаётган сайловда яшил табиат ва мусаффо ҳаво, соғлом турмуш истагида бўлган барча юртдошларимизни Ўзбекистон Экологик партиясини ва унинг номзодларини қўллаб-қувватлашга чақирдилар.

***Шавкат ҲАСАНОВ,***
*Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти ректори:*

— Экопартия бугун нафақат сизу бизнинг овозимиз, балки табиатнинг овозини ҳам бaралла айтмоқда. Шунинг учун ҳам партиямиз халқимизнинг, фарзандларимизнинг қулай атроф-муҳитга эга бўлиш ҳуқуқларини рўёбга чиқаришни бош мақсад сифатида қўймоқда.

Партиямиз **2030 йилга қадар йирик шаҳарларда йўловчиларнинг велосипедда ҳаракатланиш улушини 20 фоизга етказиш**ни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Мисол учун, Регистон атрофидаги майдонда скутер, мини электробуслар ҳаракатланади. Шовқинсиз, атрофга зарарсиз, ҳамма учун қулай. Шундай муҳитга бутун шаҳримиз бўйлаб эришсак қандай яхши! Ўзбекистон Экологик партиясининг мақсади ҳам ана шунга қаратилган.

**Тошкент шаҳри.** Ўзбекистон Экологик партиясининг **шаҳарларда бино ва кўп квартирали уйлар қурилишини мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш** механизмларини қонунда аниқ белгилаш, **дарахтзорлар мавжуд бўлган ер майдонларини қурилиш мақсадларида реализация қилинишини қонун билан тақиқлаш**, **10 ёшдан катта дарахтларни кўчириб ўтказишга бутунлай чеклов қўйиш** каби таклифлари пойтахтлик сайловчилар томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Шаҳар ҳудудидаги ҳар бир дарахт тақдири учун қайғуриш ҳамда яшил майдонларни кўпайтириш бугун жиддий муаммо бўлиб турган атмосфера ифлосланишига қарши курашдаги энг мақбул чора экани қайд этилди.

**Акмал РАСУЛОВ,**
*75-Тошкент шаҳар округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод:*

— Шаҳарларимизда яшил майдонлар ва дарахтлар тобора камайиб кетаётгани, бу эса жамоатчиликнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётганини кўриб турибмиз. Партиямизнинг **шаҳарларда бино ва кўп квартирали уйлар қурилишини мажбурий тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш** механизмларини қонунда аниқ белгилаш таклифи, айниқса, Тошкент шаҳри учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сайловчиларга манзур бўлмоқда.

Тошкент шаҳри учун энг долзарб экологик муаммолардан бири бу ҳаво ифлосланишидир. Бугунги кунда пойтахтда **630 минг**дан ортиқ транспорт воситалари бор. Унга қўшимча равишда бир кунда пойтахтга ўртача **150 минг**дан **300 минг**гача транспорт воситаси кириб келади. Бу ҳам Тошкент шаҳрида транспорт воситаларидан атмосфера ҳавосига чиқарилган ифлослантирувчи моддалар миқдори ортишига олиб келмоқда.

Бу муаммога самарали ечим сифатида Ўзбекистон Экологик партияси ўз Сайловолди дастурида **2035 йилгача автомобилсозлик саноатини тўлиқ электромобиль ишлаб чиқаришга ихтисослаштириш** ташаббусини илгари сурмоқда. Бу ташаббус атмосферага ташланаётган чиқиндиларни камайтириш ва шаҳарлардаги ҳаво сифатини яхшилашга сезиларли ёрдам беради.

**Ўзбекистон Экологик партиясининг сайловолди ташаббусларини, мамлакатимизнинг барқарор ривожланиш мақсадлари билан уйғун ғояларини қўллаб-қувватлашга чақирамиз!**

**Ўзбекистон Экологик партияси**
**Марказий Кенгаши**
**матбуот хизмати**

**ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

# ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҒОЯ ВА ТАШАББУСЛАРИ ФАОЛ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНМОҚДА

O'zbekiston ХДП Xalq demokratik partiyasi

**Барчамиз йирик сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар остонасида турибмиз. Янги Ўзбекистонда сайловлар илк бор янгича, аралаш сайлов тизимида бўлиб ўтади.**




Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини эълон қилиши билан Халқ демократик партияси жараёнга қизғин киришди. Мамлакатимиздаги барча сайловларда муносиб қатнашиб келаётган, 700 мингдан ортиқ аъзога эга партиямиз сайлов кампаниясининг илк кунларидан сайловчилар билан фаол мулоқот олиб бормоқда.

Тарғибот тадбирлари республикамизнинг барча ҳудудларида, аҳолининг кенг қатлами орасида тизимли асосда олиб борилмоқда.

Халқ демократик партияси ўзининг сайлов стратегияси асосида уйма-уй юриб, 1 миллиондан ортиқ хонадонга кириб чиқишни, ҳар бир сайловчига партия ғояларини етказишни, уларнинг таклиф-мулоҳазаларини олишни мақсад қилган. Бу борада 3500 га яқин йигит-қиз ва фаоллардан иборат волонтёрлар гуруҳининг кўмаги катта бўлмоқда. Улар бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда барча ҳудудларда партия Сайловолди дастури ҳамда депутатликка номзодлар ҳақидаги босма материалларни сайловчиларга етказмоқда.

Партия фаоллари ҳамда партиядан кўрсатилган номзодлар ҳудудларда сайловчилар билан юзма-юз учрашувлар, очиқ мулоқотлар ташкил қилмоқда.

## Қорақалпоғистондаги самимий учрашув

Фаол мулоқотлардан бири Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида ташкил этилди. Нукус давлат педагогика институти филиалида кўтаринки руҳда ўтган учрашувда талаба ёшлар билан очиқ суҳбат бўлди. Партиянинг Сайловолди дастури ҳамда ёшларга тааллуқли таклифлар ҳақида атрофлича маълумот ва фикрлар билдирилди. Ўзларига дахлдор ташаббуслар билан батафсил танишган ёшлар Халқ демократик партиясини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

**Шамурат АМАНБАЕВ,**
**мустақил изланувчи:**

— Менга партиянинг сув ресурсларига боғлиқ таклифлари маъқул келди. Чунки сув ҳаётий масала. У билан боғлиқ ҳар қандай таклифни ҳам, ташаббусни ҳам қўллаб-қувватлаймиз.

Сув ресурсларини бозор тамойиллари асосида баҳолаш, уларнинг иқтисодий қийматини аниқлаш ва сувдан фойдаланиш учун тўловларни жорий этиш муҳим. Бу сув ресурсларидан самарали фойдаланишни рағбатлантиради.

Шунингдек, сув хўжалигини молиялаштириш учун халқаро грантлар ва кредитлардан фойдаланиш зарур. Бу сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва бошқаришни таъминлайди.

## Бир майдонда бир мақсад сари

Очиқ осмон остида ўтган Сурхондарёдаги оммавий тадбирда минглаб сайловчилар йиғилди. Партия раҳбари ва фаоллари томонидан Сайловолди дастуридан ўрин олган ғоя ва ташаббусларнинг мазмун-моҳияти, улар нимага хизмат қилиши сайловчиларга содда ва халқчил тилда тушунтириб берилди. Бундай шаклдаги очиқ мулоқот орқали сайловчилар партиянинг энг муҳим таклифлари билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлди.

**Робия АБДУРАҲМОНОВА,**
**ўқитувчи:**

— Уч нафар фарзандим бор. Очиғини айтсам, мен бундай сайлов билан боғлиқ оммавий тадбирда биринчи марта қатнашяпман. Партиянинг дастуридаги таклифларни эшитдик. Шахсан менга оналарнинг бола парваришлашга сарфланган вақтини тўлиқ иш стажига қўшиш керак, деган ғоя жуда ёқди.

Бу таклифнинг амалга ошиши, кўпчилик аёллар, оналарни беҳад мамнун қилади. Чунки оналар фарзанди учун, керак бўлса, ўзидан ҳам кечади, умрини уларга бағишлайди. Кун келиб уларнинг давлат ва жамиятга фойдаси тегса, бу ота-она меҳнатининг самараси ҳисобланади.

Мазкур таклиф оналарни эъзозлашга, оналикни рағбатлантиришга йўналтирилган, уларнинг фидокорликларини қадрлашга хизмат қилади деб ҳисоблайман.

**Зулхумор ХИДИРОВА,**
***Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши депутатлигига номзод:***

— Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастуридаги асосий ғоялар, ташаббуслар ҳақида ҳаётий мисоллар билан маълумот берилди. Партиямизнинг асосий мақсади жамиятда ижтимоий тенглик ва адолат бўлсин, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинсин, деган эзгу ғояларга таянган.

Сайловолди дастуримизга ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандлари учун давлат боғчаларига ҳар ой тўланадиган ота-оналар тўловидан имтиёзлар бериш таклифи киритилгани, айниқса, оналарни мамнун қилди. Агар бундай оилаларга тўловда енгиллик берилса, биринчи навбатда, меҳнат қилиб, барқарор даромад топиш, оиласи шароитини изга солиш бўйича кенгроқ имкониятга эга бўлади. Яна бир муҳим жиҳати, болалар назоратсиз қолмайди, таълим-тарбияси ҳам бўш бўлмайди.

Шунинг учун ҳам партиямизнинг айни таклифини жамиятимиз учун жуда ўринли, ҳаётий зарур бўлган таклиф деб биламан.

## Электорат вакиллари билан ёнма-ён

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидаги учрашув мазмунан янгича ёндашув ва кенг қамровда ташкил этилди. Халқ демократик партияси етакчилари ва фаоллари пойтахтимиздаги мактабгача таълим ва умумтаълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчилар, тарбиячи-педагоглар, мураббийлар билан учрашди.

Таъкидланганидек, таълим давлат ва жамият тараққиётининг муҳим асосидир. Энг бебаҳо бойлик ҳисобланган ёш авлод манфаатини таъминлаш учун ушбу соҳага устувор эътибор қаратиш лозим. Зеро, энг истиқболли сармоя таълимга йўналтирилган сармоядир.

Тадбир давомида партия ёшларнинг сифатли таълим олиши тарафдори экани алоҳида қайд этилди. Юртимиздаги ҳар бир бола ҳаётда ва жамиятда ўрин топадиган шахс сифатида шаклланиши учун таълимнинг барча босқичида тенг имкониятлар яратилиши кераклиги айтилди.

Ўз навбатида, йиғилганлар ҳам партиянинг дастуридан ўрин олган таклиф-ташаббусларни қўллаб-қувватлаб фикр билдирди.

**Наргиза АҲМЕДОВА,**
**ўқитувчи:**

— Учрашувда Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастурида ижтимоий ислоҳотларни янги босқичга чиқариш, жумладан, таълим тизимида ҳуқуқ ва имкониятлар тенглигини таъминлаш ғояси ҳақида етарлича тасаввурга эга бўлдик.

Мисол учун, шахсан менга “Саломатликни мустаҳкамловчи мактаблар” ижтимоий лойиҳасини кенг амалга ошириш ташаббуси маъқул келди. Ҳақиқатан, болалар доимий тиббий назоратда бўлиши, соғлом овқатланиши уларнинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

Фарзандларимизнинг замонавий талабларга жавоб берадиган ўқиш ва ўқитиш муҳитида таълим олиши, ўз вақтида тиббий назоратда бўлиши учун ҳам саломатликни мустаҳкамловчи мактаблар керак.

Мен партиянинг бу каби халқчил таклифларини қўллаб-қувватлайман.

## Дастуримиз наманганликларга ҳам манзур

Наманган шаҳридаги оммавий тадбирда аҳолининг барча қатлами учун бирдек манфаатли янги Сайловолди дастури иштирокчиларга кенг таништирилди. Партиянинг ижтимоий соҳа билан боғлиқ таклифлари ҳаётийлиги, давлатнинг ижтимоий ислоҳотчи сифатида ўрни ва ролини сақлаб қолишга урғу бераётгани наманганлик сайловчилар томонидан фаол қўллаб-қувватланди.

**Сайёра ХАДЖИМИРЗАЕВА,**
**Халқ депутатлари Наманган шаҳар Кенгаши депутатлигига номзод:**

— Биласиз, Наманган ривожланган саноат ишлаб чиқариш қувватларига эга. Шунинг учун партия дастуридаги аёллар меҳнатига ихтисослаштирилган ишлаб чиқарувчи ташкилотлар қошида оилавий боғчалар фаолиятини йўлга қўйиш орқали корхонада ишловчи аёлларга шароит яратиш таклифини тўғри деб биламан.

Юртимизда аёлларга эътибор ортиб бормоқда, уларнинг билим олиши, касб эгаллаши рағбатлантирилмоқда. Аёл кишининг ҳам касб-ҳунарли бўлиб, меҳнат қилиши оиланинг моддий фаровонлигига ҳисса қўшади, фарзандлар келажаги учун янада яхши шароит таъминланади.

Шу маънода, партия илгари сураётган ташаббус боғча ёшидаги фарзанди бор аёлларга ҳам ишлаш имконини кўпайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бир сўз билан айтганда, партиямиз ва номзодларимиз сайловолди тарғибот тадбирларини республикамизнинг барча ҳудудларида кўтаринки руҳда ўтказмоқда.

“Ижтимоий давлат учун” шиори билан сайловларда иштирок этаётган Ўзбекистон Халқ демократик партиясига ва унинг номзодларига овоз беринг!

**Ўзбекистон**
**Халқ демократик партияси**
**Ахборот хизмати**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВА УНИНГ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!**

**Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизими самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш асосий мақсадлардан этиб белгиланди.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2024 йил 23 октябрь, 214-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

Бугуннинг гапи

# КОРРУПЦИЯга оид жиноятчилик КАМАЙМОҚДА



**Қобул ТУРСУНОВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси ўринбосари**

**Коррупцияга қарши кураш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланиб улгурди. Соҳага оид концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупциянинг олдини олишга қаратилган маъмурий ислоҳотлар сўзимиз исботидир. Жумладан, коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини оширишда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг аҳамияти катта бўлди.**

Мамлакат тараққиётининг энг муҳим йўналишларини ўзида акс эттирган ушбу ҳужжатда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, коррупцияга қарши кураш тадбирлари самарадорлигини ошириш муҳим вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг жамиятни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш зарурати ҳақидаги фикрлари бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишга асос бўлиб хизмат қилди.

Соҳада норматив-ҳуқуқий базани тизимли равишда такомиллаштириб бориш чораси кўрилди. 2017 йил 3 январда қабул қилинган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб, унда “коррупция”, “коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик”, “манфаатлар тўқнашуви” каби асосий тушунчаларга изоҳ бериш билан бир қаторда, коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳам белгилаб берилди.

Шунингдек, қонун билан коррупцияга қарши курашиш борасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ваколатли органлар тизими, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва аҳолининг мазкур соҳадаги иштироки, коррупциянинг олдини олиш, жазо муқаррарлиги ва бу борада халқаро ҳамкорликни таъминлаш каби чоралар мустаҳкамлаб қўйилди.

Қонунда белгиланган чора-тадбирлар самарали амалга оширилиши учун 2020 йил 29 июнда Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Фармон билан махсус давлат органи — Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиб, бу борадаги давлат сиёсатининг институционал асослари такомиллаштирилди.

Агентлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари, вазифа ва функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда халқаро нормаларни илгари сурган ҳолда хорижий тажриба атрофлича ўрганилди. Унинг энг мақбул жиҳатлари мазкур фармонда тўлақонли акс эттирилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари ташкил этилди. 2017-2018 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича биринчи давлат дастури қабул қилиниб, унинг ижроси доирасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.



> **Давлат органларининг тизимли ва босқичма-босқич мақбуллаштирилиши ҳамда ихчамлаштирилиши коррупцияга қарши курашнинг яна бир муҳим жиҳатидир. 2021 йил 3 апрелда Президентимиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисидаги қарорни имзолади. Унга мувофиқ, давлат органлари ходимларининг сони 15 фоизгача мақбуллаштирилди.**

Соҳадаги ислоҳотларни давом эттирган ҳолда Президентимизнинг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони билан 2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш бўйича навбатдаги давлат дастури тасдиқланди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури соҳадаги кейинги қадамлардан бири сифатида белгиланди.

Мамлакатда коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирларнинг асосида давлат органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланиб, Президентимизнинг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига кўра, барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, жумладан, Ҳисоб палатаси, Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек, устав фонди (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари томонидан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини тасдиқлаш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, бюджет харажатини тартибга солиш бўйича жамоатчилик назоратини амалга ошириш, бюджет қонунчилигининг бузилиши фактлари тўғрисида хабардор қилиш ва бюджет жараёнини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш тартиб-таомилини ташкил этиш бўйича “Openbudget” — “Очиқ бюджет” портали ишга туширилди.

Давлат органларининг тизимли ва босқичма-босқич мақбуллаштирилиши ҳамда ихчамлаштирилиши коррупцияга қарши курашнинг яна бир муҳим жиҳатидир. 2021 йил 3 апрелда Президентимиз давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг штат бирликлари сонини қисқартириш тўғрисидаги қарорни имзолади. Унга мувофиқ, давлат органлари ходимларининг сони 15 фоизгача мақбуллаштирилди.

Шунингдек, давлат бошқаруви тизимида инсон омилини камайтириш мақсадида давлат ва жамият бошқарувига ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш йўлга қўйилди. Маъмурий ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, рўйхатга олиш, лицензиялаш ва рухсат беришга доир тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда тезкорлигини ошириш борасида барча ҳудудда давлат хизматлари маркази очилди.

Жамоатчиликнинг кенг иштирокида коррупцияга қарши муросасиз муҳит яратилмоқда. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатини кўриб чиқиш тизими тубдан такомиллаштирилди. Халқ қабулхоналари, “ишонч телефони” ҳамда ҳар бир вазирлик ва давлат идораларининг “ишонч телефони”, “виртуал қабулхонаси” ташкил қилинди. Шунингдек, барча даражадаги давлат идоралари раҳбарларининг “сайёр қабул” ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Устав жамғармасида давлат улуши бўлган ташкилотларда коррупцияга қарши курашиш тегишли коррупцион стандарт (ISO 37001) га мувофиқ сертификатлаштириш тартибини ўрнатиш бўйича вазирлик ва идораларда яширин иқтисодиёт улушини қисқартириш ҳамда коррупцияга қарши ички назорат “комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш ишлари бажарилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизими самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш асосий мақсадлардан этиб белгиланди.

Бу каби чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрни яхшиланди. “Transparency International” коррупцияни қабул қилиш индексида 5 поғона, “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилоти Ҳуқуқ устуворлиги индексининг “коррупция мавжуд эмаслиги индикатори”да 2 поғона, Жаҳон Бошқарув сифати индикаторларининг “коррупцияни тийиб туриш” индикаторида 15 поғона, “Trace Matrix” порахўрлик матрицасида 1 поғона, Ҳукумат очиқлиги бўйича “Open data inventory” рейтингида 15 поғона кўтарилишга эришилди.

Олий Мажлис Сенатининг яқинда бўлиб ўтган 57-ялпи мажлисида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги миллий маъруза кўриб чиқилди. Ҳисобот даврида соҳага оид янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, халқаро стандартлар миллий қонунчилигимизга имплементация этилди. Очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВнинг коррупцияга қарши курашдаги ролини ошириш, давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий қилиш йўналишларида қатор ислоҳотлар амалга оширилгани таъкидланди.

Жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонун қабул қилинди. Унга биноан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказувчи субъектлар белгиланди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва лойиҳаларидаги коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар рўйхати кенгайтирилгани қайд этилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастури тасдиқланиб, очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхати 35 тадан 40 тага кенгайтирилгани, агентликка “Қайта алоқанинг сирли мижози” тадбирларини ўтказиш вазифаси юклатилгани, шунингдек, қонунчиликда давлат хизматчиси хизмат сафарлари ва бошқа расмий тадбирларда олиши мумкин бўлган совғанинг максимал қиймати белгиланиб, бошқа барча ҳолларда давлат хизматчисига совға олиш тақиқланганини кўрсатиб ўтилди.

Коррупция жиноятининг камайишига эришилиб, 2023 йилда коррупцияга оид жиноят содир этган шахслар сони 2022 йилга нисбатан 12 фоиз, жиноятлар сони эса 11 фоиз камайгани, шу билан бирга, коррупцияга оид жиноятлар оқибатида етказилган зарар миқдори ҳам ўтган йилга нисбатан 608 миллиард сўмга ёки 29 фоиз камайгани таъкидланди.

Бугун 117 та вазирлик ва идорада ички назорат тузилмаси ишлаяпти. Агентлик томонидан ҳар чоракда камида бир марта халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда ички назорат тузилмалари ходимлари учун малака ошириш тизими йўлга қўйилган. Натижада улар томонидан ўтказилган 4349 та назорат тадбирида 342,6 миллиард сўм маблағни талон-торож қилиш ва 928,9 миллиард сўмлик молиявий қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқий баҳо бериш учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилди. Шунингдек, 953,4 миллиард сўмлик маблағ ноқонуний сарф этилишининг олди олиниб, 372 миллиард сўмлик ноқонуний харажатларнинг давлат идоралари ҳисобига ундирилиши таъминланди.

Давлат органлари ва ташкилотлари функция ва вазифаларидаги коррупциявий хавф-хатарлар даражаси баҳоланиб, Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри шакллантирилди, 92 та вазирлик ва идоранинг 7525 та функциясидаги коррупциявий хавф-хатарлар даражаси баҳоланиб, уларнинг 495 таси “юқори”, 1541 таси “ўрта” ва 5489 таси “паст” тоифаларга ажратилгани баён этилди.

Коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими доирасида бу йил 95 та давлат ташкилотининг фаолияти, очиқлик индекси доирасида 103 та вазирлик, идора ва муассасанинг очиқлик фаолияти баҳолангани кўрсатиб ўтилди.

Миллий маърузада қонун билан агентликка норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ваколати берилганидан сўнг 2023 йилда 307 норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси экспертизадан ўтказилиб, 174 тасида 413 та коррупциявий омил аниқлангани боис, уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқувчиларга юборилгани қайд этилди.

“Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонун ҳамда унинг ижросини самарали ташкил этиш юзасидан қабул қилинган Президент қарорида аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимини узлуксиз ошириш тизимини яратиш бўйича “Коррупцияга қарши курашиш виртуал академияси” электрон платформасини ишга тушириш белгилангани таъкидланди.

Шубҳасиз, ислоҳотлар билан бир қаторда соҳада муаммолар, амалга оширилиши лозим бўлган кўплаб вазифаларга ҳам алоҳида урғу бериб ўтилди. Хусусан, Миллий маърузада коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш бўйича қатор таклифлар илгари сурилди. Хусусан, давлатимизнинг яқин ва ўрта истиқболдаги асосий йўналишини белгилаб берувчи Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2030 йилгача мўлжалланган миллий стратегиясини қабул қилиш, ички назорат тузилмалари фаолияти мустақиллигини таъминлаш мақсадида улар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини кучайтириш, очиқ эълон қилиниши лозим бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар кўламини янада кенгайтириш кабилар шулар жумласидан.

Ялпи мажлисда жамиятда коррупцияга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар, маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланиш, давлат бошқаруви органларининг қуйи тизимлари — ҳудудий бўлинмалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулиятини кучайтириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

---

Томорқачилик

**Куз — ҳосил йиғиштириладиган палла. Аммо Бағдод туманидаги “Меҳнатобод” маҳалла фуқаролар йиғини томорқачилари бу фаслда экин-тикин парвариши билан машғул бўлади. Бу бежиз эмас. Меҳнатободликлар томорқадан йилнинг тўрт фаслида ҳам даромад олади. Айни кунда томорқаларга экилган саримсоқпиёз, шивит, кашнич баравж ривожланмоқда.**



# ТЎҚСОН КУНДА ТОВОҚДА

Сиддиқ ота Пириддинов маҳалланинг тажрибали томорқачиларидан. “Кексалик бекорчилик эмас” тамойилига амал қиладиган Сиддиқ ота фарзанд ва набираларига бош бўлиб, томорқадаги юмушлар билан андармон. Бу ерда ҳар қарич ер ҳисоб-китобли. Тартиб билан экилган мевали дарахтлар, бошингизга тегай-тегай деб турган сархил узумлардан кўз қувнайди. Беҳи ва хурмо шохлари ҳосил мўллигидан эгилиб қолган. Куз эпкинида бош чайқаб, меваларини кўз-кўзлайди. Тўрт сотих иссиқхонага экилган кўкатлар бозорга чиқариляпти.

— Бу иккинчи ҳосилимиз, — дейди Сиддиқ ота эгат оралаб. — Эртаки бодрингдан 20 миллион сўмдан ортиқ даромад олдик. Август ойининг биринчи ўн кунлигида экилган кўкатларни сотишни бошладик. Экиндан бўшаган майдонларга пешма-пеш тўқсонбости экамиз. Бу тўқсон кунда товоқда, деган гап. Буларнинг ҳаммаси жамланса, йиллик даромадимиз 40-45 миллион сўмдан ошади.

Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Ҳар бир ишнинг машаққати бор. Томорқачиликнинг бу олтин қоидасига амал қилмай туриб бирор натижага эришиб бўлмайди. Сиддиқ ота томорқадан топган даромади ҳисобига фарзандларини ўқитди, уйли-жойли қилди, элга дастурхон ёзди, ҳаж сафарида бўлди.

— Маҳалламизда бекор юрган одам, бўш қолган томорқа йўқ, — дейди маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси Элмурод Абдурахимов. — Йилнинг тўрт фаслида кафтдек еридан унумли фойдаланаётган томорқачилар сафи кундан кунга ортиб бормоқда. Бундан беш-олти йил аввал томорқада чорва учун озуқа экинлари етиштирилган, холос. Энди бу соҳадаги қарашлар, ишга муносабат ўзгарди. Аҳолини камбағалликдан чиқариш, бандлигини таъминлаш, фаровонлигини ошириш йўлидаги имтиёзлар томорқадан унумли фойдаланиш борасидаги иш тажрибаларини оммалаштириш, янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаш имкониятини бермоқда. Кейинги икки йилда биргина томорқачиликни ривожлантиришга қаратилган умумий қиймати 300 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ҳисобига маҳаллада 15 та янги иссиқхона қурилди. Натижада томорқа хўжаликларида етиштирилган сара маҳсулотларни ички бозордан ташқари яқин қўшни мамлакатларга экспорт қилиш имконияти туғилди. Бундан ташқари, ижтимоий дафтарлар, ижтимоий ҳимоя реестрига киритилган, меҳнат миграциясидан қайтган 252 фуқарога икки гектардан ортиқ унумдор экин майдони деҳқон хўжаликлари сифатида ажратиб берилди. Асосий мақсад — маҳалламизни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудга айлантириш.

Тўрт мингдан ортиқ аҳоли умргузаронлик қилаётган маҳаллада камбағал, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар кундан кунга камайиб бормоқда. Якка-ёлғиз, боқувчиси йўқ, имконияти чекланган оилаларга ижтимоий ҳимоя ходими томонидан манзилли ёрдам кўрсатиб келиняпти. Равон кўчалар, газ, электр ва ичимлик сув таъминоти, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш билан боғлиқ инфратузилма объектлари қуришда ташаббускор томорқачиларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Илҳомжон Абдувоҳидов меҳнат миграциясидан қайтган ёшлардан. Унга ҳоким ёрдамчиси тавсияси билан 30 миллион сўм имтиёзли кредит ҳисобига 2 сотих иссиқхона қуриб берилди.

— Иссиқхона қуриб кам бўлмадик, — дейди ёш томорқачи. — Эрта баҳорги бодрингдан 15 миллион сўмдан ортиқ даромад олдим. Айни кунда кузги кўкат сотишни бошладик. Яқин кунларда редиска, шивит, кўкпиёз экиш тараддудида турибмиз. Бу йилги даромадимиз ҳисобидан замонавий иситиш, томчилатиб суғориш тизимлари ўрнатишни мақсад қилганман. Бу йилнинг тўрт фаслида бир маромда ҳосил етиштириш, даромад олиш имкониятини беради.

Маҳаллада томорқа учун сув масаласи муаммо бўлиб келган. Айниқса, бу ёз мавсумида жуда билинган. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан маҳаллада сув қудуқлари қазилди. Натижада оғриқли масалаларга ижобий ечим топилди.

— Бу борадаги ташаббуслар туманимиздаги 59 та маҳалла фуқаролар йиғинида кенг қулоч ёймоқда, — дейди Бағдод тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бош мутахассиси Дилшоджон Марасулов. — 1644 гектар томорқада тўқсонбости сабзавот экинлари экилади. Бу 520 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имкониятини беради. Шу мақсадда “Қоракўл”, “Чекмирзаобод”, “Бағдод” маҳалла фуқаролар йиғинларида тўқсонбости сабзавот экинлари парваришлаш борасидаги иш тажрибаларини бошқа маҳаллаларда ҳам оммалаштиришга эътибор беряпмиз.

Томорқа хонадон хазинаси, кафтдек ерга уруғ қадаган киши унинг роҳатини кўради. Оилада катталар меҳнати ва изланишларига эш бўлиб улғайган ёшлар меҳнат билан топилган бойлик, фаровонлик қадр-қимматини ҳис қилиб яшайди.

**Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

Муносабат




# ОНА ТИЛИГА ҲУРМАТ, АВВАЛО, ОИЛАДАН, МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНИШИ КЕРАК



**Ғайрат АБДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси**

**Инсон учун киндик қони тўкилган ватан, уни дунёга келтириб, вояга етказган ота-онаси қанчалик азиз бўлса, она тили ҳам шунчалик қадрлидир. Зеро, киши қалбидаги жамики олижаноб фазилатлар, аввало, она тилининг бетакрор мўъжизаси, сеҳри ва жозибаси билан камолга етади.**

Тилимиз дунёдаги қадимий, гўзал ва бой тиллардан. Унинг беқиёс имкониятларини халқимизнинг замонлар синовидан ўтиб келаётган мақол ва ҳикматли сўзлари, бетакрор иборалари, достонларида кўриш мумкин.

Бу йил ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 35 йил тўлди. “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили тўғрисида”ги қонуни ўзбек тилининг муҳофазасини ва ҳаётимизнинг барча соҳасида кенг қўлланишини таъминлади.

Конституциямизда ҳам давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Шу тариқа ўзбек тили давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси каби қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас рамзлар қатори эъзоз ва эҳтиромга сазовор бўлди.

Кейинги йилларда давлат тилининг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар бажарилди. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги тегишли фармони билан Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Тузилма бугун давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиниши, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати юритилишини таъминламоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 февралдаги “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан эса барча вазирлик ва идораларда лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида иш юритиладиган бўлди. Бу, ўз навбатида, она тилимизга эътиборни кучайтирди.

Шунингдек, кейинги йилларда “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”, “Алишер Навоий қомуси”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси”, “Ўзбекистон юридик энциклопедияси”, “Ислом энциклопедияси”, “Маънавият: асосий тушунчалар луғати”, “Педагогика: энциклопедия”, “Тарих атамалари луғати”, “Адабиётшунослик луғати”, “Юридик атамалар луғати” каби 40 дан зиёд фундаментал китоблар нашр этилди ва этилмоқда.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳузуридаги Давлат тилида иш юритиш асосларини ўргатиш ва малака ошириш марказида вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимлари ўзбек адабий тили меъёрлари ва имло қоидалари бўйича мунтазам ўқитиляпти. Университетда очилган “Ўзбек мактаби”да ҳам юзлаб хорижликлар она тилимиз ва миллий маданиятимиз асосларини катта қизиқиш билан ўрганмоқда.

Пойтахтимиз марказидаги Миллий боғ ҳудудида Адиблар хиёбони бунёд қилингани, бу гўзал масканда ўрнатилган ёдгорлик мажмуалари адабиётимизнинг буюк намояндалари, ўзбек тилининг чинакам жонкуярлари хотирасига бағишлангани ҳам эътиборга молик. Юртимизда атоқли шоир ва адиблар номидаги ижод мактаблари ташкил этилгани эса тилимизни улуғлаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодга етказишга хизмат қилмоқда.

Президентимизнинг БМТ минбарида ўзбек тилида нутқ сўзлагани ҳам кишига ўзгача ғурур бағишлади. Бугун дунёдаги 6912 та тилдан атиги 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Улар қаторида она тилимиз ҳам борлиги қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдиради.

Кейинги йилларда давлат тилини ривожлантириш, нуфузи ва мавқеини ошириш мақсадида кўплаб идоравий ҳужжатлар давлат тилига ўтказилди. 100 мингдан ортиқ географик объект номи давлат реестрига киритилиб, ҳудудлардаги 150 мингдан зиёд ташқи ёзув давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштирилди.



Давлатимиз раҳбари 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан халқимизга йўллаган табригида соҳада эришилган натижаларга алоҳида тўхталиб, 2025 йил 1 январдан бошлаб умумтаълим мактабларида миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили ўқитувчиларига маошининг 50 фоизи миқдорида ойлик устама тўланишини айтиб ўтди.

Бу, ўз навбатида, юртимизда фаолият юритаётган юзлаб ўқитувчиларни том маънода ҳаракатга келтиргани, фаолликка чорлагани рост. Қолаверса, янги марралар сари руҳлантириб, рағбатлантиришга хизмат қилади.

Тил миллатнинг бебаҳо, улкан бойлиги бўлиш билан бирга ҳар бир инсоннинг маданиятини кўрсатувчи кўзгу ҳамдир. Шундай экан, ҳар биримиз миллатимизнинг юраги, руҳи, том маънода жони ҳисобланган тилимизни асраб-авайлашимиз, эъзозлашимиз лозим. Буни эса, энг аввало, оиламиздан, маҳалламиздан бошлашимиз мақсадга мувофиқ.

Ёшлар минбари

# Ўз овозингда ҳайқир, тилим!






**Азизбек ЮСУПОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

**Бир пайтлар юртимизда фольклоршунослар, тилшунослар қишлоқма-қишлоқ, овулма-овул кезиб юрган. Ўша манзилу гўшаларнинг тупроғидек қадимий кекса бобо-момолар билан суҳбатлашиб, халқ тилидан сўз йиққан. Бошқа ажнабий тиллардан сўзни осонгина ўзлаштириб олмаган. Тилимиз луғатини ўз хазинамиз билан бойитиш мақсадида юқоридаги каби саёҳат-тадқиқотларни бугун ҳам ташкил этиш, ташкил этилган бўлса, уни ривожлантириш ўринли бўлар эди деб ўйлайман. Чунки даврлар ўзгаряпти, авлодлар алмашяпти, жадалликка маҳкум дунёда таҳдидлар ортяпти. Шундай пайтда сўзлар, атамалар, ибораларнинг меъёридан ортиқ кириб келиши тилимизнинг емирилишига хизмат қилмаслиги керак.**

— Тилнинг энг ўзгарувчан соҳаси унинг лексикаси ҳисобланади. Жамият тараққий этиб бориши билан тилга янги сўзлар кириб келади, бу табиий ҳол. Лекин хорижий сўзлар кириб келишига муайян тўсиқлар қўйилмаса, белгиланган меъёрлар асосида олинмаса, бу ҳолат тил нуфузига жиддий таъсир қилади, — дейди таржимон Шоҳруҳ Усмонов. — Туркияда тил сиёсатини Турк тили қуруми ташкилоти юритади. Тил қабул қилаётган барча янги сўзлар таҳлил қилиниб, адабий тил меъёрлари бўйича тартибга солинади ва кичик китобча ҳолида нашр қилиниб тарқатилади. Шу тариқа хорижий сўзнинг қўлланилишида бир хилликка эришилади. Бизда эса бир сўз бир неча кўринишда қўлланилади, ким қандай хоҳласа, шундай ишлатади. Бундай ҳолат тилдаги анархия дейилади.



Юқоридаги муаммони бартараф этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Атамалар комиссияси ташкил қилинган эди. Жорий йил 18 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссияси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди.

Комиссия зиммасига илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий муомалага киритиш, ўзбек тилига киритилаётган янги атамаларни қонунчилик ҳужжатларига татбиқ этиш ва амалда қўллашнинг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, ушбу соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг ривожланиш йўналишларини аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида атамаларнинг қонунчилик ҳужжатларида қабул қилинган маъносига мувофиқ ягона шаклда ва тўғри қўлланилишини таъминлаш чораларини кўриш каби бир қанча вазифалар белгиланди. Бундан ташқари, янги сўз ва атамаларни қўллаш соҳасида бошқа тилларнинг қоидалари туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган номувофиқликларни бартараф этиш чораларини кўради, республика ижро этувчи ҳокимият органларига атамашунослик масалалари бўйича кўрсатмалар беради, жамоатчилик асосида иш юритувчи атамалар бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Комиссия вазифаларни ҳали тўлиқ бажаргани йўқ. Агар у бугун фаол ишлайдиган ташкилотга айланса, юқорида тилга олинган муаммолар ўз ечимини топади, бунинг учун эса ҳамма бирдек ҳаракат қилиши керак. Яъни “Тилимиз — ғуруримиз”, “Она тилим — ифтихорим” каби баландпарвоз гаплар билан мақтаниб юрмасдан, амалий ишга ўтишимиз шарт. Тилимиз юксалиши, унинг ўзидан юқори мавқедаги тил соясида қолиб кетмаслиги учун нафақат тилшунослар, балки барча соҳа мутахассисларининг биргаликдаги фаолияти зарур.

## Амаллар ниятга боғлиқ

— Деярли барча соҳадаги одамлар тилимиз юксалишига ўз ҳиссасини қўша олади. Масалан, бугун муайян бир тил интернет тилига айланиши унинг даражасини бир неча баравар оширади, — дейди Гулистон давлат университети магистранти Элдор Диёров. — Компьютер лингвистикаси деган фан бор. Ушбу фанда “компьютернинг тилни таниши” деган тушунча мавжуд. Компьютер тилни “таниши” учун у бу тилни “билиши” зарур. Матндаги хатоларни тузатиши, матнни қайта ишлаши, таржима қилиши, сўзларга изоҳ бера олиши, тилни ўргатиши, матнни бир алифбодан иккинчи алифбога ўтказиб бериши, тил ифодаларини таснифлаши, тартиблаши, бирор тилда гапириши, ёзиши унинг тилни таниши асосида амалга оширилади. Демак, сунъий интеллект муайян тилни “таниса”, ўша тил асосида ишлайди. Мазкур масалага эса ҳукумат томонидан жиддий эътибор қаратиляпти, бу ўринда википедия электрон энциклопедиясида ўзбекча материалларнинг бир неча ўн, балки юз мингга кўпайганини мисол қилса бўлади.

Чиндан 2022 йилда ўзбекча википедияда мақолалар сони тез суръатда ўса бошлади. Бунинг асосий сабабчиси “WikiStipendiya” марафони бўлди, десак янглишмаймиз. Марафон ўзбекча википедиядаги контентни



яхшилашга қаратилган бўлиб, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан Ўзбекистон Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда ўзбек тилида сўзлашувчи викимедиачилар фойдаланувчи гуруҳи билан ҳамкорликда ташкиллаштирилди.

Марафонга 2022 йил 20 майда старт берилганидан кейин википедиянинг ўзбек тилидаги бўлимида катта ўзгаришлар содир бўлди. Уларнинг барчаси ҳам фақат “WikiStipendiya” таъсирида бўляпти, деб таъкидлай олмасак-да, ўзбекча википедиядаги йирик ўзгаришлар айнан марафон бошланганидан сўнг юз бергани рад қилиб бўлмас фактдир.

2022 йилнинг 20 майидан 20 декабрига қадар ўзбекча википедиядаги мақолалар сони 76 минг 657 тага ошиб, 217 мингдан зиёд бўлди. Жами таҳрирлар сони 3 миллион 504 минг 571 тани ташкил этди.

## Тил ҳақидаги қонун ижросининг фаол имконияти ва унга зид худбин кайфият

— 1989 йилда давлат тили мақомининг амалий мавқега интилиши қатағон йиллари қарор топган адолатсиз лисоний вазиятни сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатларга жон бағишлаганди. Ўша пайтдаги марказий рўзнома ва ойномаларда чоп этилаётган хабарларни, куйинчаклик билан ёзилаётган мулоҳазаларни ўқиб, бунга ишонч ҳосил қилиш қийин эмас, — дейди шоир ва таржимон Алишер Сабрий. — Афсуски, бугун она тили мақомининг моҳиятини идрок этиш нари турсин, бу хусусда ўйлашга, мулоҳаза юритишга эътиборсизлик қилаётган ёки буни мутлақо истамаётган миллатдошларимиз анчагина. Тил ҳақидаги қонун ижросининг фаол имконияти ва унга зид худбин кайфият бугунги кунда бир-бирига рўбарў келди.



Мустақилликдан олдинги даврда “тил сиёсати” атамасининг ўзи деярли истеъмолдан чиқарилиб, тилшунос олим Ирисали Тошалиев таъбири билан айтганда, “миллий тиллар қурилиши”, “тилларни режалаштириш” ёки “тиллар маданиятини такомиллаштириш” сингари тумтароқ ва чучмал ифодалар билан алмаштирилган эди. Шукрки, ўзбек тили давлат тили мақомига эришганига 35 йил бўлди. Қонун ижросининг изчил ва тадрижий тусда бориши ўзимизнинг ўз тилимизга, унинг мартабасига мувофиқ иш тутишимизга боғлиқ. Бу, энг аввало, ўзбек тилини ўз тилим деб билган барча кишилардан давлат тили мақоми моҳиятини чуқур тушуниб олишдан ҳамда уни шу мақом-мавқеда ишлатишга эришишдан иборат. Она тилининг ҳақиқий мавқеи, маданий нутқ амалиёти, демак, уларнинг имконияти ва истиқболи ҳам одамларнинг меҳру муҳаббатидан қувват олиб, шу туйғулар бағрида камол топади.

Айни пайтда бизда она тилимиздан фахрланиш туйғуси ўтмаслашиб қолганини ҳам эътироф этиш лозим. Ўз тилига лоқайд, беписанд кишиларда бу эзгу туйғунинг ўткирлашувига ёрдам берадиган тил таълими ва ташвиқини кучайтириш керак. Шу жиҳатдан ўзбек тилшунослиги аниқ ишларни, фаол тарғиботни амалга ошириши, тил танқидини ривожлантиришда давом этиши муҳим. Матбуот ёрдамида одамларга ҳозирги давр тил сиёсати масалалари тушунтирилса, бу соҳада юзага келаётган айрим ялтироқ ифодаю шиорлар моҳиятини фаҳмлашда уларга кўмаклашилса чакки бўлмайди.

Ҳақиқатан, ҳозирги даврда тил сиёсати ва тил муҳофазаси муаммоларига назар ташлаш ва улардан огоҳ бўлиш муҳим амалий аҳамиятга молик. Бу кишиларнинг она тили мақоми ва истиқболига доир тасаввурию мафкурасини шакллантиришга, тилимиз тараққиёти учун зарур руҳий, лисоний ва ахлоқий омилни, ишчан алоқа муҳитини қарор топтиришга ёрдам бериши шубҳасиз.

## Биз ҳар куни давлат билан “гаплашамиз”

Сиёсат ва унинг институтлари жамиятдаги тил имкониятларисиз ўз мақсадларини амалга оширолмайди. Тилнинг ўзи ҳам сиёсатнинг у ёки бу тарздаги таъсирига учрайди. Тил давлат томонидан алоҳида сиёсат ва режалаштириш объектига айланиб боради.

Шунинг учун инсоннинг сиёсий маданияти унинг лисоний оламида муҳим ўрин эгаллайди. Яъни унинг сиёсий маданият даражаси қанчалик юқори бўлса, ўзининг бу борадаги фикр-мулоҳазаларини равон ва мантиқий изчилликда етказиб беради. Бу сиёсий ғоялар субъектнинг ўз фикрини аниқ тарзда етказиб бериш мақсадида тил структурасидан, айниқса, унинг лисоний қурилишидаги ўзгаришлардан самарали фойдалана олишида намоён бўлади.

— Биз давлатдан ҳар куни турли хабарлар оламиз. Уларнинг кўриниши, етказиш усули ҳар хил. Булар бизга нутқлар, расмий баёнотлар, турли кўрсатувлар, шарҳлар, ОАВ, ижтимоий тармоқлар орқали етиб боради.



Масалан, қонун ҳужжатлари ҳам давлатнинг биз билан мулоқоти. Унда белгиланган ҳар бир норма давлатнинг “ўз тилидан” бизга айтаётган “сўзи”, — дейди иқтисодчи Фаррух Ҳасанов. — Кимдир унга “жавоб қайтаради”, кимдир шунчаки қабул қилади. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам биз тўлиқ мулоқот иштирокчисига айланамиз. Шу сабабли сиёсатга қизиқмайман, дейдиганлар ҳам бир кунда бир неча маротаба давлат билан “гаплашади”.

Айни вақтда давом этаётган сайлов жараёнларида номзодлар фикрлари, бўлғуси режалари, аниқ ва тугал мақсадини қай йўсинда халққа етказмоқда? Албатта, тил, сўз орқали. Шундай экан, ҳар бир янгилик, ўзгаришларга қайсидир маънода ўз муносабатимизни билдириб боришимиз давлат билан мулоқотимизни мустаҳкамлайди. Ахир фақат эшитувчи суҳбатдош бўлиш ҳам коммуникацияни “ўлдиради”.

Тилшуносликда давлатнинг халқ билан мулоқотини ўрганадиган йўналиш коммуникатив стратегия ва тактика доирасида таҳлил қилинади. Сиёсатда коммуникатив стратегия бутун бошли мулоқотнинг ипидан игнасигача, натижасигача режалаштиришдир. Тактика эса шу режани амалга ошириш усули.

Хулоса қилиб айтганда, сиз истайсизми-йўқми, гапирасизми ёки гапирмайсизми, сиёсат “гапираверади”. Шунинг учун ўртадаги мулоқот тили, яъни ўзбек тилимиз қанчалик мустаҳкам ва сержило бўлса, ҳам халққа, ҳам давлатга фойда.

## Бузғувчи эмас, сақловчилардан бўлайлик

Очиғи, она тилига муносабат хусусида вазминлик мезонидан бир парда баландроқ руҳда сўз юритиш айни кунларда жуда зарур. Она тилинг билан фахрланиш ҳисси, ифтихор туйғусидан баралла сўзлаш лозим. Уни эъзозлашдан, ардоқлашдан чарчамаслик зарур. “Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз”ларнинг эътиборини тортиш, лоқайдларни карахтлик уйқусидан уйғотиш учун шундай қилиш керак. Илло, бепарволик билан беписандликнинг ораси бир қадам, холос.

Билинган, фаҳмланган нарса тилда, тилдагиси эса билимда зоҳир бўлади. Бошқача айтганда, биз ўйлаганда, гапиргандагина тил ишлайди, уни ишлатиш малакаси ҳам орта боради. Шахмат ўйнамаган шатранжни билмайди. Шатранжчининг маҳорати ўйиндан ўйинга орта борганидай, биз ҳам тилдан қанча кўп фойдалансак, уни ишлатишга шунча моҳир бўламиз, унинг қоидаларини кўпроқ била борамиз.

Хуллас, ҳар бир инсон ўзлигини, ўтмишини, ҳаётдан мақсадини доимо англаши, ёдида тутиши керак. Бунда, табиийки, инсон онги ва ақлининг, хусусан, она тили ва адабиётнинг ўрни беқиёс. Зеро, она тили ва адабиёт инсоният маънавиятининг кўзгуси ва уни шакллантирувчи восита бўлиб хизмат қилади. Худди жамиятда ҳар бир оиланинг равнақи ота ва онага боғлиқ бўлганидек, инсоният онгининг равнақи ҳам она тили ва адабиётга боғлиқ. Шундай экан, барчага тилни бузғувчилар, айирувчилар, йўқотувчилардан эмас, аксинча, уни сақловчилар, бойитувчилар, уюштирувчилардан бўлишини тилаб қоламан.



2024 йил 23 октябрь, 214-сон

**Дарҳақиқат, тадбирда иши, ўқиши сабаб юртимизда яшаётган хорижлик дўстларимизнинг чиқиши йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди. Шу ўринда кичик мулоҳаза. Кўпинча давлат тилини оммалаштириш, унинг мавқеини ошириш борасида турли фикрларни билдирамиз. Бир гуруҳ хорижликлар Ўзбекистонга келиб, давлат тилини ўз ихтиёри билан ўрганаётганининг сабаби нимада?**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЎТТИЗ БЕШ ЙИЛЛИК ЎЗЛИК МАҚОМИ

## бизни ягона халқ сифатида бирлаштириб келади

Бошланиши 1-бетда




Дарҳақиқат, бугун дунёда техник тараққиёт жадал суръатда ўсиб бормоқда. Бундай вазиятда маданият, ўзликни ва тилни сақлаб қолиш осон кечмайди. Шу маънода, ўзбек тилини тараққий эттиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар шу тил вакили бўлган барча инсонларни қувонтиради.

Пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройидаги тантанали маърифий тадбир эса ана шу кўтаринки кайфиятга ҳамоҳанг бўлди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, бу йилги байрам тадбири дастури ранг-баранглиги, ғоят самимий саҳна кўринишлари ва ҳаётий, кундалик турмушимизга мутаносиблиги билан ажралиб турди.

— Тил байрамида шундай намойишлар бўлдики, зиёли сифатида ҳар бир лавҳадан, саҳна кўринишидан, ҳар бир қўшиқдан таъсирландим, — дейди филология фанлари доктори Баҳодир Карим. — Байрам тадбири аввалида намойиш этилган лавҳаларни томоша қилар эканман, давлатимиз раҳбарининг илк бора БМТда ўзбек тилида нутқ сўзлагани, яна кўплаб халқаро анжуманларда эл ва тил бирлиги тўғрисида жон куйдириб маъруза қилгани ҳақидаги тарихий лаҳзаларни кўриб, биз аввалгидан-да кўпроқ интилишимиз, изланишимиз кераклигини англадим.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда Туркманистонда бўлиб ўтган халқаро анжуманда ҳам Махтумқули ва унинг ноёб мероси ҳақида сўз юритар экан, ҳар бир халқнинг дунёда мустаҳкам ўрин тутишида зиёлиларнинг айтган сўзи, ҳушёрлиги, собитқадамлиги, зийраклиги муҳим эканини бежиз таъкидламади. Шундай экан, биз олдимизда турган вазифаларни янада чуқурроқ англашга ҳаракат қилишимиз керак. Ўзбек тили тарғиботи учун заррача ҳисса қўшаётган қай бир юрт вакили борки, мен уни яхши кўраман, қадрлайман. Шу боис, хорижлик дўстларимизнинг дил изҳорлари ҳам менга маъқул бўлди. Концерт дастурида эса мақомчилар ансамблининг она тилимизни тараннум этувчи янги қўшиқлар яратгани ва бизга тақдим этганидан хурсанд бўлдим.

Дарҳақиқат, тадбирда иши, ўқиши сабаб юртимизда яшаётган хорижлик дўстларимизнинг чиқиши йиғилганларга кўтаринки кайфият улашди. Шу ўринда кичик мулоҳаза. Кўпинча давлат тилини оммалаштириш, унинг мавқеини ошириш борасида турли фикрларни билдирамиз. Бир гуруҳ хорижликлар Ўзбекистонга келиб, давлат тилини ўз ихтиёри билан ўрганаётганининг сабаби нимада? Назаримда, эҳтиёж. Бугун мамлакатимиз дунёга очилди. Ишбилармонлар, сайёҳлар, маданият ва тарих ихлосмандлари юртимизга келиб, фаолият юритиши, илмий изланишлар қилишига кенг имконият яратилган. Янги Ўзбекистондаги бундай имкониятдан тўла фойдаланиш эса хорижликларга давлат тилини ўрганиш эҳтиёжини туғдиради. Демак, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши жараёнида ўз-ўзидан бошқа жабҳалар, хусусан, тил ва маданият ҳам равнақ топиб боради. Тадбирда сўз олганлар ана шундай ислоҳотларнинг дастлабки мевалари, десак муболаға бўлмас. Бунга қуйида ушбу дўстларимизнинг фикрларини ўқиб, ўзингиз ҳам амин бўласиз, деган умиддамиз.



## ЎЗБЕК ТИЛИ — ДАВЛАТ ТИЛИДА ГАПИРИШ БУРЧИМИЗДИР

**Лим Жонг МЮНГ,**
**магистрант (Жанубий Корея):**




— Мени Ўзбекистонда Маҳмуд деб чақиришади. Ўзбек маданиятини, қўшиқларини, айниқса, мақомни яхши кўраман. Шу кунларда ўзбекча исмимга жуда ўрганиб қолибман. Бу муболаға эмас. Аксинча, самимий дўстларимнинг "текшируви"дан ўтган айни ҳақиқат. Гап шундаки, бир куни дўстларим ўзимга билдирмай ортимдан чақириб, қайси исм айтилганида тезроқ жавоб беришимни синаб кўрибди. Буни қарангки, корейсча исмимни айтиб чақирганида 3 сониядан сўнг ортимга қарабман. Ўзбекча исмимни айтишганида эса ўша ондаёқ уларга жавоб берибман.

Айни пайтда ўзбек тили бўйича магистратурага ўқишга кирдим. Чунки ўзбек тилини янада мукаммал ўрганмоқчиман. Бу давлат тили ўзбек тили бўлган мамлакатингизда фикримни эмин-эркин ифода этиб яшашимда жуда муҳим. Мен Ўзбекистонда яшаётган барча миллат вакиллари давлат тилини билишини уларнинг табиий бурчи деб биламан.

Ўзбекистонга биринчи марта Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) орқали корейс тилини ўргатиш учун келганман. Ўшанда юртингиз маданияти, тили ва одамларининг сахийлиги, садоқати, меҳмондўстлигидан ниҳоятда ҳайратлангандим. Бундай одамларга ҳамиша ўзингга ишонгандек ишониш мумкин. Шу боис, ўзбек дўстларим билан янада яқинроқ бўлиб, олдимга қўйган мақсадларга етишда уларга суянсам дейман.

Ўтган вақт ичида ўзбек тили мен учун фақат билим эмас, балки юракдан севадиган тилга айланди. Келгусида тил борасидаги билимларимни мустаҳкамлаб, ўзбекча эркин суҳбатлашадиган дўстингизга айланаман. Дунёдаги ҳамма хорижликларни ўзбек тилини севишга ва уни ҳурмат қилишга ундайман.

## НОДИРАБЕГИМ ҒАЗАЛЛАРИНИ ТУШУНА БОШЛАДИМ

**Бай ЯНГ,**
**докторант (Хитой):**



— Ўзбек дўстларим мени Нодира, деб чақиради. Ҳозир Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетида қиёсий адабиётшунослик бўйича биринчи курс докторантиман.

Ўтган йили сентябрда Тошкентга келган бўлсам-да, ўзбек тили билан танишувим Хитойда бошланган. 2018 йилда мен бу гўзал тилни биринчи марта эшитдим ва ўша ондаёқ севиб қолдим. Биринчи устозим Дилфуза опа менга Нодира исмини берганди. Ўшанда устозим Нодирабегим исмли шоира ҳақида ҳам гапирганди. Аввалига унинг шеърлари ва ғазалларини унчалик тушунмадим. Ҳозир эса шоиранинг ғазалларини бемалол тушунаман ва ўз исмим билан фахрланаман. Шоиранинг бир ғазалида "Мақсад на эди жаҳона келдинг, Кайфиятингни баён этиб кет", деган сўзлар бор. Мен кайфиятимни ўзбек, Нодирабегим тилида баён эта олаётганимдан ғурурланаман. Ҳатто бу ғазални онамга ҳам тез-тез ўқиб бераман.

Албатта, ўзбек ва хитой тиллари бир-биридан, айниқса, талаффуз ва грамматикада жуда фарқ қилади. Аммо бу уларни бирдек яхши кўришимга тўсқинлик қилолмайди. Масалан, Хитой тилида ўзбек тилидаги "р", "қ", "о" ва "г" каби товушлар мавжуд эмас. Шу боис, мен ўзбек тилидаги бу товушларни унчалик талаффуз қила олмайман ва кўпроқ машқ қилишга уринаман.

Диссертациямни ҳимоя қилганимдан сўнг Хитойга қайтиб, университетда ўзбек тили ўқитувчиси бўлиб ишламоқчиман. Хитойлик талабаларга ўзбек тили мутахассислиги бўйича дарс бериш ниятидаман. Шу орқали уларни ўзбек тили ва маданияти билан яқиндан таништириш, икки мамлакат ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаман. Менимча, тил нафақат алоқа воситаси, балки бошқа мамлакат маданиятини тушуниш учун ойна ҳамдир.

## АЗАЛДАН ДЎСТ МАМЛАКАТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

**АҲМАДХОН,**
**қурувчи (Ҳиндистон):**



— Уч йилдан буён Ўзбекистонда яшайман. Ўзбекистон билан Ҳиндистон тарихдан дўст мамлакатлар эканидан ғурурланаман. Ҳиндистонда катта давлат қурган Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган юртни кўриш бизга шараф. Бобурийлар сулоласи бобосига муносиб инсонлар бўлиб, улар ибратли умри давомида бунёдкорлик ишлари билан Ҳиндистонни обод қилган.

Бобур Мирзонинг ғазалларини жуда севиб ўқийман. Шоир ва саркарда бир умр соғиниб, ўз шеърларида таърифлаган юрт қандай маскан экан, деб жуда қизиқар эдим. Юртингизни кўриб, шу ерда яшаб, Бобур Мирзо бу ўлкага бежиз талпинмаган экан, дедим.

Ҳозир Тошкентда қурилиш соҳасида ишлайман. Ўзбекистоннинг бир неча шаҳарларига саёҳат қилиб, меъморликнинг кўҳна анъаналаридан жуда ҳайратландим. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларидаги миноралар ва бинолар тарҳи мени қизиқтириб қўйди.

Келажакда ҳам шу гўзал юртда ишлаб, яшаб қолиш ниятим бор. Шунинг учун ўзбек тилини астойдил ўрганишга киришдим. Аслида, ўзбек ва ҳинд тиллари бир-бирига ўхшаш, ҳатто айрим сўзлари бир хил: китоб, дуня, қоғоз...

Шунинг учун ўзбек тилини ўрганиш менга қийин бўлмади.

**Келажакда ҳам шу гўзал юртда ишлаб, яшаб қолиш ниятим бор. Шунинг учун ўзбек тилини астойдил ўрганишга киришдим. Аслида, ўзбек ва ҳинд тиллари бир-бирига ўхшаш, ҳатто айрим сўзлари бир хил: китаб, дуня, қоғоз...**

## ДАВЛАТ ТИЛИНИ БИЛИШ ОРҚАЛИ СОҲАНИ ПУХТА ЎРГАНИШ ИМКОНИМ БЎЛАДИ

**Эмили СУЛЛИВАН,**
**туризм компанияси ходими (АҚШ):**



— Ўзбекистонга келганимга, ўзбек тилини ўрганаётганимга бир ярим йил бўлди. Ҳеч қандай қийинчиликка дуч келганим йўқ. Ўзбек таомларини ҳам сизлар каби ёқтираман. Айниқса, тухумбарак, қовоқли ва кўк сомсани яхши кўраман.

Ўзбекистон менга жуда ёққани ва шу ердаги туризм компаниясида ишлаётганим боис, ўзбек тилини ўрганишга қарор қилдим. Ўзбекистонда давлат тилида яхши гапира олиш орқали соҳани пухта ўрганиш имконим бўлади. Бу мамлакатнинг жуда ажойиб давлат эканини бутун дунёга кўрсатишимда, унинг барча яхши жиҳатларини, ўзбек маданияти ва тарихи ҳақида таъсирли ва ишончли сўз айта олишимга ёрдам беради. Ҳа, бунинг учун ўзбек тили билан бирга миллат маданиятини, тарихини ҳам яхши ўрганишим керак.

Ўзбекистон бой тарихига, қадимий шаҳарларига, мазали таомларига эга ҳамда урф-одатларини сақлаб қолган давлат. Бу ерда ҳанузгача қўл меҳнати унутилган эмас. Америкада қолган бувим ҳам бир пайтлар қўл билан сизларникига ўхшаш нималарнидир тикарди, бироқ ҳозир бу ишни қилмайди.

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларига борганимда ўзбеклар қўл меҳнатига уста эканини кўрдим. Айниқса, Бойсунга, Термизга меҳрим тушиб қолди. Бойсун тоғларига чиқдим, қип-қизил лолаларни кўрдим. Ҳунарманд аёлларнинг сўзана, каштачилик ишларига қойил қолдим. Бойсун баҳори фестивалида ҳар доим иштирок этишни истайман. Бахшиларнинг тўйларда ҳам дўмбира билан қўшиқ айтиши эътиборимни тортди. Ўзбекларнинг ҳар бир тўйи, маросими ўзига хос анъаналарга эга экан. Насиб қилса, бу ўлкага сайёҳларни ҳам кўпроқ жалб этишга ҳаракат қиламан.

## АСОСИЙ МАҚСАДИМ — ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЯХШИ БИЛИШ



**Салеб ДЕЛАКРУЗ,**
**физиотерапевт (Янги Зеландия):**

— Ота-онам филиппинлик. Шунинг учунми, юзим осиёликларникига ўхшайди. Тошкентда мени ўзбек деб ўйлашади. Чет эллик дўстларим билан бирга бўлганимда мендан "гидмисиз?" деб сўрашади. Баъзида ҳазиллашиб, "Ҳа, менинг исмим Содиқжон. Сурхондарёданман", деб айтаман. Чиндан шундай бўлиб қолганида ҳам бундан фахрланган бўлардим. Чунки Ўзбекистон, унинг маданияти, овқатлари менга жуда ёқди. Ўзбеклар эса меҳрибон, дўстона ва ҳар доим ёрдам беришга тайёр халқ.

Ўзбекистон ҳақида дастлаб бир муддат шу ерда яшаган дўстимдан эшитганман. У менга ҳам бу ерга келишимни маслаҳат берган. Шу боис, ўтган йили Тошкентга келдим. Барчаси худди дўстим таърифлагандай эканини ўз кўзим билан кўрдим. Ҳозир таълим олаётганим Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетида ҳам ҳамма шароитлар етарли. Устозларимиз жуда очиқкўнгил ва меҳрибон. Улардан ўзбек тилини қунт билан ўрганяпман.

Худо хоҳласа, келажакда Ўзбекистонда ишлаб, менга тил ўргатган ўқитувчиларим ишончини оқлайман. Эҳтимол, физиотерапевт бўларман. Хаёлан ўзимни шу соҳада кўриб, беморлар билан худди ўзбекистонликдай гаплашишдан қувонаман. Нима бўлганда ҳам асосий мақсадим — ўзбек тилини яхши билиш. Бу халқнинг урф-одатлари ҳақида чуқурроқ ўрганиш, гўзал фазилатларини ўзлаштириш.

## ОНА ТИЛИНГИЗНИ БИЗ БИЛАН БАҲАМ КЎРГАНИНГИЗ УЧУН МИННАТДОРМИЗ

**ЭУЛОГИО,**
**тадбиркор (АҚШ):**



— Бизнес туфайли бир йил олдин бу ерга оилавий кўчиб келдик. Ҳозир Тошкентда, Мирзо Улуғбек туманида яшаймиз.

Ўзбекистонга биринчи келганимда ўзбек тилида бирорта ҳам сўз билмасдим. Биринчи марта Фарғона вилоятига борганимда анча қийналдим. У ердаги бозорларга кирганимда ҳунармандларнинг кўплаб гўзал ишларидан ҳайратландим. Мазали меваларни татиб кўрдим. Менимча, энг яхши мевалар Ўзбекистонда. Лекин ҳеч нарса сотиб ололмадим. Кўп меҳмондўст одамлар билан танишдим-у, суҳбатдош бўлолмадим. Нимага? Чунки мен ўзбек тилини билмасдим.

Шундан сўнг ўзбек тилини ўрганишни, самимий, меҳмондўст ўзбек дўстларимиз билан дилдан гаплашишни ният қилдим. Бир ўзимгина эмас, оиламиз билан ўзбек тилини астойдил ўрганяпмиз. Кўпинча Чорсу бозорига борамиз ва ўзбек тилида савдолашишга ҳаракат қиламиз. Сотувчилар билан ўзбек тилида бир оз сўзлашиб, сабзавотлар, мевалар сотиб оламиз.

Фарзандларимиз мактабда ўзбек синфида ўқияпти. Менимча, улар ўзбек тилини мендан ва аёлимдан тезроқ ва пухта ўрганяпти. Уларга уй вазифаларини бажаришда ёрдам бериш орқали ўзимиз ҳам ўзбек тилини ўрганяпмиз. Биринчи синфда ўқийдиган кичик ўғлимиз ўзбек тили байрами куни учун бир шеърни ёд олиши керак эди. У билан баравар ўзимиз ҳам шу шеърни ёдладик:

***Она тилим, бобо тилим,***
***Севар сени юрту элим.***
***Она тилим, кони илм.***
***Сен-ла олай чуқур билим.***

5-синфда ўқиётган ўғлимиз устозларини, айниқса, Сардор исмли ўқитувчисини жуда яхши кўради. Шунингдек, Жаҳонгир, Меҳриддин, Иброҳим, Ислом, Билол ва Барҳаёт каби дўстлари билан жуда аҳил ва яқин бўлиб қолганидан хурсандлигини айтади. Буни эшитганимиз сари Ўзбекистонга, унинг меҳмондўст халқига ҳурматимиз янада ошиб боради. Фурсатдан фойдаланиб, оиламиз номидан барча ўзбекистонликларга раҳмат деймиз. Ўз урф-одатларингиз, тарихингиз, маданиятингиз, дўстлигингиз ва ўз она тилингизни биз билан баҳам кўрганингиз учун беҳад миннатдормиз.

**Саҳифани "Янги Ўзбекистон" мухбирлари Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА, Муножат МЎМИНОВА тайёрлади.**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Kolorpak" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 3694.
41218 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"Kolorpak" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Беккул Эгамқулов
Мусаҳҳиҳ: Аслиддин Абдуразақов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 22:00 Топширилди — 00:30